

ISLAMONLINE.UZ

ҲУҚМ



halol.uz

gettyimages®
Graeme Robertson

Ичкилик мажлисларидан узоқлашиш



Шу тарика мусулмон ичкилик мажлисларидан ва арок ичувчилар билан бирга
Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васалламнинг шундай деганларини эшитдим:
"Аллохга ва охиратга иймон келтирган киши устида арок бўлган дастурхонда ўтирмасин".

Бу хадисни Имом Ахмад ривоят этган. Айни маънодаги бир хадис Термизийнинг ривоятида ҳам мавжуд.

Мусулмоннинг вазифаси динга зид бўлган хар нарсани тузатиш, бунга кучи етмаган тақдирда эса турган жойидан узоклашишдир.

Ривоят килинишича халифа Умар ибн Абдулазиз арок ичганларни ва ичмаса ҳам арок мажлисида ўтирганларни калтаклашга буюрган эди. Ва яна бир ривоятга кўра бир гуруҳ арокхўрларни хузурига олиб келганларида уларни таёк билан уришга буйрук беради. Ораларида рўза тутган бир кишининг борлигини хабар берганларида эса: "Биринчи бўлиб ўшандан бошланглар. Магар бу ҳақда Аллох таоло Куръони Каримда нима деганини эшитмадингизми? Эшитмаган бўлсангиз эшитинг" деди ва шу оятни ўкиди: "Ахир Аллох сизларга Китобда: "Қачонки Аллохнинг оятлари инкор килинаётганини эшитгансизлар, то бошқа гапга ўтмагунларича ундай кимсалар билан бирга ўтирманглар", деган сўзларни нозил қилган эди-ку?!" (Нисо сураси - 140).